ЭЛЧИ–ОЛИМ ХОНАДОНИДА

АНДИЖОН. Бобур номидаги Давлат университетининг Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, профессор, хизмат кўрсатган маданият ходими Рустамбек Шамситдинов хорижий мамлакатлар билан амалий алоқалар боғлаган. Айниқса, Ҳиндистон олимлари билан ҳамкорлик самарали кечмоқда. Ўтган йили Калькутта университети профессори, Марказий Осиё тадқиқот институти директори К.Барунди андижонлик талабалар хузурида қизиқарли маъруза қилганди. Наврўз кунларида Рустамбек Шамситдинов хонадонига Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Бадра Кумар ташриф буюрди. Ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги ҳамкорлик, маданият ва турмуш тарзига оид мароқли суҳбат бўлди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

ЭГИЗАКЛАРГА СОВҒАЛАР

БУХОРО. Бултур Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари Президентлари Оқмолада учрашган чоғларида Олот туманида қувончли воқеа юз берганди. Гап шундаки, «Бухоро» жамоа хўжалигининг 6-бригадасида бир йўла 3 ўғил дунёга келди. Қаҳрамон Каримов билан Гулнора Оқиевалар чин ихлос ва яхши ният билан ўғил болаларга Ислом, Нурсултон, Асқар деб исм қўйишди. Наврўз айёмида уларга байрам совғалари топширилди.

Даврон БАҲРОНОВ

Яхшидан боғ қолади. Абдулғани ЖУМА олган сурат.

ДОРИНИ «БОЙЧЕЧАК»ДАН ТОПАСИЗ

ХОРАЗМ. Урганчдаги «Бойчечак» хусусий дорихонасида кўрсатилаётган хизматдан аҳоли мамнун. Бу ерда дисол, ацесол, холосол эритмаларини тайёрлаш йўлга қўйилган. Бундай дорилар заҳарланиш, сариқ касаллиги ва жарроҳликдан кейин тикланиш даврида асқотади. «Бойчечак»да тайёрланаётган дори-дармонлар сони 20 тадан ошди. Муҳими бу дори-дармонлар четдан келтирилаётганидан 40-45 фоизга арзон.

Рўзимбой ҲАСАН

АҲМАД ФАРҒОНИЙГА БАҒИШЛАНДИ

ФАРҒОНА. Аҳмад ал Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги арафасида ЎзХДП Қува туман кенгаши «Аждодларга таъзимдамиз» мавзуида кўрик-танлов эълон қилди. Танловда жамоа хўжаликлари, ташкилот, корхона ва муассасалар қошидаги ҳаваскорлик жамоалари ва мактаблар иштирок этадилар. Шунингдек, байрам арафасида Охунбоббев туман ҳокимлиги «Энг озода идора» танловини эълон қилиб, ободонлаштириш ҳамда саранжом-саришталикни кўздан кечиришга аҳд қилди. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари аталган.

Алишер ИБОДИНОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 26 март, пайшанба • № 37 (22.274).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

УКРАИНАДАН МАКТУБ

Муҳтарам жаноб Президент Ислом Каримов!

Сизни, Ислом ака, биринчи даражали «Князь Ярослав Мудрий» ордени, Украинанинг таниқли арбобларидан бири номи билан аталувчи юксак мукофотга сазовор бўлганингиз билан чин қалбдан табриклайман ва Сизга Украина Президенти жаноб Л. Кучмани Ўзбекистон Республикасининг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлаганингиз учун миннатдорчилик билдираман.

Сизларнинг ҳар иккалангиз ҳам буюк ўзбек ва буюк украин халқлари ўртасида нафақат бугунги, балки келажак авлодлар тақдирига ҳам дахлдор бўлган дўстликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги улкан меҳнатларингиз учун шу юксак мукофотларга сазовор бўлдингиз.

Сизни, жаноб Ислом ака, бизнинг гўзал Львовга ташриф буюришингизни, «Свиточ» қандолат фирмасининг ширинликларидан татиб кўришингизни, «Трускавец» (трускавчи — қулупнай) сиҳатгоҳида дам олишингизни сўраймиз.

Биз Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга, қандай шаклда бўлмасин, империяни қайта тиклашга олиб борувчи барча уринишларни инкор этишга йўналтирилган Сизнинг қатъий йўлингизга батамом қўшиламиз. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигига бўлган Сизнинг комил ишончингиз, шунингдек, миллий ўзига хос (қиёфали) жамиятни қуриш борасидаги фаолиятингиз бизни ғоятда қувонтиради.

Ушбу мактубни халқ дипломатиясининг кўринишигина эмас, балки шахсан Сизга ва Сизнинг сиймонгизда гўзал пойтахт Тошкентга ҳамда қардош Ўзбекистонга бўлган самимий хайрихоҳлик, меҳр-муҳаббат изҳори сифатида қабул қилишингизни сўрайман, мен 1981 йилда ТошДУ фалсафа кафедрасида малака ошириш ўқувида бўлиб, диёрингиз билан танишиш бахтига мушарраф бўлгандим.

Ўшандан буён ўзбек халқ қуйларини, Ўзбекистон шеърияти ва адабиётини, унинг меҳмондўстлик анъаналарини севиб қолганман ва имконим қадар бу муҳаббатни фалсафа ва маданиятшунослик фанидан ўзим дарс бераётган Львов тижорат академияси (Савдо - иқтисодиёт институти) талабаларига етказишга интилиб келаман.

Сизга ва Сизнинг яқинларингизга, Ўзбекистон Республикасининг буюк халқига кўп йилларга татигулик бахт-саодат ва сиҳат-саломатлик тилайман!

Ушбу мактубнинг украин руҳини сақлаш учун украин тилида ёзаяпман.

До побачення! — Хайр! Василь - ука, фалсафа фанлари номзоди, Львов тижорат академияси.

БАЛАНЧУК Василий Михайлович,
Львов шаҳри, Шевченко кўчаси, 42.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Ийд ал-Адҳа — Курбон ҳайити муносабати билан Сизга Америка Қўшма Штатлари халқининг Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларини йўллайман. Ушбу байрам Сизга ва мамлакатингиз фуқароларига бахт-саодат келтирсин. Ислоҳотлар йўлидан бораётган Ўзбекистон равнақи йўлидаги фаолиятингизда Сизга улкан муваффақиятлар тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Уильям Ж. КЛИНТОН,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

ҚОНИМИЗ БИР, ЖОНИМИЗ БИР.

ЖИЗЗАХДА НАВРЎЗ ШОДИЁНАСИ

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентда бошланган Наврўз тантаналари вилоятларда давом этмоқда. Юртимизда Наврўз нафаси кезмоқда. Одамларнинг руҳий кайфияти кўтаринки. Байрам шукуҳи эса ўзгача. Жиззахнинг «Истиқлол» боғига вилоятнинг барча туманларидан меҳмонлар ташриф буюришган. Арнасой, Пахтакор, Ғаллаорол ва бошқа туманлардан келган фольклор гуруҳлари ўз санъатларини намойиш этишди.

Жиззах вилояти ҳокими Шавкат Мирзиёевнинг байрам тантаналаридаги нутқи диққат билан тингланади. Шундан сўнг Ўзбекистоннинг машҳур шоирлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Азим Суюн жиззахликларни бетакрор ва мафтункор Наврўз билан табриклайди.

Наврўз тантаналари карнай-сурнай садолари билан давом эттирилади. Фаррух Зокиров раҳбарлигидаги «Ялла» гуруҳи, Насиба Абдуллаева, «Обид» театри раҳбари Обид Асомов, «Шаҳзод» гуруҳи ва бошқа таниқли санъаткорлар томошабинларга манзур бўладиган куй-қўшиқларни ижро этишди.

Вилоятнинг 11 тумани ўзига бириктирилган махсус жойларда файзли дастурхонлар ёзиб, лаззатли таомлар тортишди. Халқ ижодий дасталари, ҳунармандлари, санъаткорлари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Дорбозлар, миллий спорт усталарининг чиқишлари ҳам одамларда яхши таассурот қолдирди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ

РОССИЯ ҲУКУМАТИ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

Ўтган душанба куни Президент Борис Ельциннинг Фармонига биноан Россия ҳукумати истеъфога чиқарилди. Ҳукумат Раиси Виктор Черномирдин ҳам ўз вазифасини топширадиган бўлди. Ҳукумат Раиси вазифасини вақтинча Б.Ельциннинг ўзи бажаради. Борис Ельцин Виктор Черномирдинга 2000 йилда бўладиган Президент сайловларига сиёсий жиҳатдан тўла тайёргарлик кўриш вазифасини топширди. Президент ўзининг телевидение орқали мурожаатида «2000 йилда бўладиган сайловлар биз учун катта аҳамиятга эга. Агар таъбир жоиз бўлса, бу Россиянинг яқин келажакдаги тақдирини белгилайди. Шу боис мен Черномирдинга ушбу сайловларга тайёргарлик кўришга бутун диққатини жалб қилиш вазифасини топширдим» деди.

«Биз беш йил мобайнида бирга ишладик, деди сўзини давом эттириб давлат раҳбари, Виктор Степанович мамлакат учун жуда кўп иш қилди. Унинг асосли ва ишончли фаолиятини қадрлайман. Мен унинг ислоҳотларга садоқатини ва ишончини ҳурмат қиламан».

Борис Ельцин 1962 йилда туғилган Сергей Кириенкони Россия ҳукумати Раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида Фармон қабул қилди. Сергей Кириенко ёш бўлишига қарамай ўтган йилнинг ноябрь ойида Россия Федерацияси ёқилғи ва энергетика вазири этиб тайинланган эди.

«Интернет» хабарлари асосида.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Руминия мудофаа маҳкамасининг раҳбари Вашингтонга ташриф буюрди. Ушбу сафар давомида Руминия ва АҚШ ўртасидаги икки томонлама ҳарбий техник ҳамкорлик, шунингдек, стратегик шериклик масалалари муҳокама этилади. Бир ҳафталик ташриф давомида томонлар Марказий Европадаги ҳарбий-кооперация ва ҳудудий хавфсизлик муаммоларини муҳокама этишади. Айниқса, Болқон ярим оролида ва Қора денгиз атрофида тинчликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилади.*

* * *

☑ *Европа комиссияси аъзоси Кристос Папутсиснинг ташаббуси билан Брюсселда туризм ва бандлик муаммолари бўйича дастлабки кенгаш иш бошлади. Унда Европа Иттифоқи мамлакатларининг туризм бизнеси ва тадбиркорлик бўйича кўзга кўринган мутахассислари иштирок этишади.*

* * *

☑ *Исроил ва АҚШ ўртасида Исроил қўшинларини Фаластин ҳудудидан олиб чиқиб кетиш борасида ўзаро келишмовчиликлар юз берди. Исроил Вазирлар Маҳкамаси АҚШнинг Фаластин ҳудудининг 13 фоизини қайтариб бериш ҳақидаги таклифини рад этди. Буни Бош вазир Бенямин Нетаньяху тасдиқлади. Унинг айтишича кўра бериб юборилган ҳар қарич ер Исроилнинг ўзига қилинадиган ҳужум учун асосий база даражасига етиши мумкин.*

* * *

☑ *Фаластин Мухторияти раиси Ёсир Арофат Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнини давом эттириш учун Араб давлатлари лигасининг мажлисини тезда чақириш зарурлигини айтмоқда. Арофат ҳозир Қоҳирада турибди. Айни пайтда тинчлик музокаралари масалалари бўйича Миср Президенти Ҳусни Муборак билан маслаҳатлашяпти.*

ВАТАН ХАРИТАСИ

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида «Ўзбекистон — Иордания» дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлди.

Унда жамиятнинг бошқарув органлари сайланиб, жамият Низоми қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси нефть ва газ саноати миллий корпорацияси бошқаруви раисининг ўринбосари Худойқул Жумаев мазкур дўстлик жамияти раиси этиб сайланди.

Шунингдек, бу ерда «Ўзбекистон — Литва» дўстлик жамиятининг ҳам таъсис мажлиси бўлди. Унда ҳам жамиятнинг бошқарув органлари сайланиб, Низоми қабул қилинди.

Республика «Ўзбеккоинот» Давлат агентлигининг бош директори Камол Мўминов жамиятнинг раиси этиб сайланди.

* * *

Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган: Қўшма корхона - 98" кўргазмаси очилди. Унда мамлакатимизнинг турли нуқталарида фаолият кўрсатаётган 50 дан зиёд қўшма корхоналар маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бундай кўргазма республикада илк бор ўтказилаётир.

Кўргазма 27 мартга қадар давом этади.

* * *

Журналистлар тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказида мамлакатимиз олдида турган экология муаммолари ва уларни ҳал этиш йўлларига бағишланган давра суҳбати бўлди. Унда республикамиз оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, экологлар, олимлар иштирок этди.

Учрашувда минтақада вужудга келган экология вазиятининг энг кескин жиҳатлари, давлатда ягона умумэкология сиёсатини шакллантириш зарурияти масаласи муҳокама қилинди.

* * *

Республика Ижтимоий таъминот вазирлигида пенсия ислоҳотига бағишланган илмий-амалий семинар бўлди.

Давлатга қарашли бўлмаган ижтимоий суғурта, пенсия фонди, тиббиёт фонди ҳамда ижтимоий банклар ташкил этиш лойиҳаси атрофлича муҳокама этилди.

* * *

Пойтахтда Тошкент Давлат юридик институти, Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси, республика тадбиркор аёллар ассоциацияси, Очиқ жамият институти, АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги ҳамкорликда ташкил этган Очиқ ҳуқуқий ахборот кутубхонаси иш бошлади.

Инглиз, ўзбек, рус тилларидаги ҳуқуқий адабиётлар билан барча ўқувчиларга хизмат кўрсатадиган ушбу кутубхона таъминоти учун Сороса фонди 40500 АҚШ доллари миқдорида грант ажратган.

(ЎзА ва ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди)

Қарор ва ижро

ДЕҲҚОН МАДАДКОРИ

Деҳқоннинг йил давомида етиштирган маҳсулотини истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб беришда тайёрлов идораларининг ҳиссаси катта. Хўш, шундай экан, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида деҳқон билан тайёрловчи ўртасидаги муносабатлар қай йўсинда шаклланмоқда? Умуман олганда, республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавот маҳсулотларини улгуржи харид қилиш ва сотиш тизимини ривожлантириш тўғрисида»ги қарори жойларда қандай натижалар бермоқда? Яқинда мухбиримиз ана шу саволлар билан «Улгуржимевасабзавот» Андижон тумани ҳиссадорлик бирлашмаси раиси Абдулҳамид Тошхўжаевга мурожаат этди.

— Очиғини айтадиган бўлсак, бундан уч-тўрт йиллар аввал тайёрлов-харид идораларига бўлган эътибор кескин сусайтирилиб юборилганлиги боис деҳқон билан тайёрловчи ўртасидаги муносабатлар ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилганди. Табиийки, бу жараён ўз навбатида бозору дўконларимизда мева-сабзавот маҳсулотларининг камайишига ва уларнинг нархи ошиб кетишига олиб келди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарори эса нафақат тайёрлов-харид идораларининг ишини, балки бозорларимизнинг тўкин-сочинлигини ҳам таъминлаш имконини берди. Хусусан, ўтган йили бирлашмамиз аҳолидан қарийб тўрт ярим минг тонна мева ва сабзавот маҳсулотларини харид қилиб олди. Шундан минг тоннасини Россиянинг Санкт-Петербург ва Иркутск вилоятларига сотиб, у ердан қарийб 14 миллион сўмлик картошканинг янги навлари келтирилди. Шунингдек, аҳолидан мева-сабзавотларни харид қилиш ва қайта ишлашга оид қўшимча имкониятлар ҳам ишга солинмоқда. Жумладан, шу мақсадларга туман ишбилармонларининг 8 миллион сўм маблағи жалб қилиниб, икки миллион сўмлик консерва маҳсулотлари, 104 минг сўмлик салқин ичимликлар, 850 минг сўмлик музқаймоқ ишлаб чиқаришга эришилди.

Бундан ташқари бирлашма қошида фермер хўжалиги ташкил этилиб, чорвачилик ва паррандачилик ишлари йўлга қўйилди. Пировардида ўтган йили аҳолига саккиз тонна гўшт, 30 минг дона тухум етказиб берилди. Аҳоли гавжум жойларда эса савдо дўконлари ташкил этилди. Бу эса ўз навбатида бирлашмамизнинг умумий маҳсулот айирбошлаш ҳажмини қарийб 24,5 миллион сўмга, ялпи даромадни 2 миллион 30 мингга етказиш имконини берди. Шундан 436 минг сўм соф фойда олинди.

— Демак, маҳсулот етиштирувчи билан қайта ишловчи ўртасидаги алоқалар анча жонланди десак бўларкан-да.

— Бўлмасамчи, мева-сабзавот етиштирувчи деҳқонлар, шахсий томорқа эгалари ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари билан маҳсулот қабул қилиш ва харид этишдаги ишончли ҳамкорлик бирлашмамиз мавқеини мустаҳкамлади. Мева-сабзавот етиштирувчи аҳоли вакиллари бизга, биз эса уларнинг ҳузурига талпинадиган бўлдик. Масалан, ўтган йили тумандаги 700 та хонадон соҳиби билан маҳсулот харид — қабул қилиш тўғрисида шартнома тузган бўлсак, бу йил уларнинг сони 2200 тага етди. Ўйлаймизки, пишиқчилик даврида бу кўрсаткич янада ортади. Бундан кўриниб турибдики, республика Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарори нафақат тайёрловчи идоралари ходимларини, балки юртдошларимизни ҳам янгича ишлашга ва янгича яшашга ундамоқда.

—Бирлашмада деҳқонлардан қабул қилиб олинган маҳсулотларни саралаш, бежирим қадоқлаш ва харидор дидига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Айтиш лозимки, бугунги харидор бундан беш-ўн йил аввалги харидордан мутлақо фарқ қилади. Чунки вақт ва жамият ўзгариш билан одамларнинг савияси, онги ва диди ҳам ортди.

Яқинда биз тажриба орттириш учун Австралияда бўлганимизда, улардан бу борада кўп нарсаларни ўрганиш мумкинлигига амин бўлдик. Хусусан, деҳқон, фермер етиштирган ноз-неъматлар тўғридан-тўғри дала ва пайкал бошида сараланиб,пардозланиб сўнг махсус қопчаларга қадоқланаркан.

Кўрганларимиздан хулоса чиқариб, Андижон механика заводи мутахассисларига

тез бузилувчан мева-сабзавотни бошқа давлатлар ва шаҳарларга жўнатаётган пайтда уни белгиланган манзилга сифатли етказишда темир йўл идоралари масъуллигини ошириш ҳам зарур.

Маҳсулотларни четга чиқаришда божхона ва бошқа идоралар томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатларнинг соддароқ усулларини ҳам ўйлаб кўриш лозим. Ана шундагина деҳқону боғбонлар билан елкама-елка туриб қилаётган ҳаракатимиз қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларнинг янада чуқурлашишига, юртимизнинг турфа ноз-неъматларга янада бой бўлишига замин яратилади.

Суҳбатдош:
Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИЧА ТАДБИРЛАР

Кенг феълли ўзбек меҳмон деса жонини садқа қилишга тайёр. Хонадонига қадам ранжида қилган қўшниси ҳам, қариндоши ҳам, идора иши билан хизмат жойига ташриф буюрган киши ҳам меҳмон, иззатини жойига қўймагунча кўнгли тўлмайди.

Наманган вилоятида «Маърифат» марказлари ўртасидаги «Йилнинг энг намунали партия тарғибот маркази» кўрик-танлови ўтказишга киришилганда ҳам шундай бўлди. Танловнинг нуфузли гуруҳи таркибидаги меҳмонлар келишига деярли ҳамма туманларда, меҳнат жамоаларида масъулият билан тайёргарлик кўрилди. Меҳмонлардан ҳижолатда қолмаслик, аксинча марказ уларни жиҳозлашда, янги-янги ижодий ечимлар билан кутиб олиш илинжида бўлди. Шу тариқа вилоят партия ташкилотида 200 дан ортиқ қўлинг ўргулсин «Маърифат» марказлари юзага келди.

— Инсоннинг онги, қараши ўзгармагунча амалиётда янгиланиш юз бериши қийин, — дейди тажрибали партия ходими, Тўрақўрғон туман партия кенгашида биринчи ўринга муносиб кўрилган марказ раҳбари О. Охунов. — Назаримда айнан марказлар ҳамюртларимизга миллий истиқлол мафкурасини сингдиришда таъсирчан воситага айланмоқда.

Дарҳақиқат, биргина шу марказда Президентимизнинг туб иқтисодий ислоҳотлар моҳияти ҳақидаги нуқтаи назарлари, истиқлол йилларида эришилган натижалар, миллий қадриятларимиз, маънавиятимиз юксалишлари ўзига хос талқинда кўзга ташланади ва булар миллий истиқлолимизнинг тафти сингари инсонга сингиб кетади.

Партия ҳаётидан

Яна бир хайрли гап. Маърифат марказлари наинки партия ташкилотлари учун балки ҳамма-ҳаммага баравар хизмат қилмоқда. Масалан, Наманган «Шойи» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг маърифат маркази жамоа аъзоларидан тортиб вилоятга ташриф буюрадиган хорижлик меҳмонларнинг ҳам қадамжосига айланган. Янгиқўрғон туманидаги «Нанай» жамоа хўжалигининг шундай марказида эса кўнгилочар тадбирлар, келин-куёвларнинг никоҳ маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Мабодо йўлингиз тушиб, Наманганга ташриф этсангиз «Маърифат марказлари»ни ҳам бир оралангиз, доғда қолмайсиз.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Гулистон шаҳрида ЎзХДП Сирдарё вилояти кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП Марказий Кенгашининг XVIII пленуми қарорларидан вилоят партия ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги, шунингдек, ЎзХДП вилоят кенгаши ижроия бюросининг ўтган йилги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи ҳамда бошқа масалалар муҳокама этилди. Пленум кун тартибидаги асосий масалалар бўйича ЎзХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Дўстмурод Қулматов маъруза қилди.

Пленум кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум ишида Сирдарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Камолиддин Оқбўтаев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

НАВРЎЗ ТАДБИРЛАРИ. Ўктам ШАРИПОВ ва Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Менда **таклиф** *бор*

БОРИНИ ЙЎҚОТМАЙЛИК

Ҳозир одамлар гапига қулоқ солсангиз «нима пул бўлди— темир пул бўлди», деган гапни кўп эшитасиз. Дарҳақиқат шундай. Дўкондаги 1 кг. михнинг ёки 1 метр металл қувурнинг нархи фалон сўм. Одатда ҳар йили хўжаликлар, ташкилотлар, ўқув юртлари ва мактабларга металлом топшириш режаси берилади. Бундай режалар бажарилиши мумкин, лекин аҳолининг металл буюмлар (қувурлар, арматура, бурчаклик)га бўлган эҳтиёжи қондирилмаяпти. Тўғри, дўконлардан исталган металл буюмни топишингиз мумкин. Лекин уларнинг нархи, юқорида айтганимиздек, ҳар қандай кишининг ҳам чўнтагига тўғри келавермайди.

Шуларни ҳисобга олиб, металлом тўплаб топширишни мавсумий эмас, доимий ишга айлантиришни таклиф қилардим. Барча туманларда яроқсиз темир-терсақ парчалари қабул қиладиган пунктлар ташкил қилиниб, бу ерда яроқсиз металлар эвазига маълум миқдорда яроқли металл буюмлар айирбош қилинса, ўйлайманки, барча аҳоли бу муҳим иқтисодий ишда фаол қатнашган бўларди, чунки моддий манфаатдорлик бўлмас экан, ҳар қандай ишда унум бўлиши қийин. Агар топширилган темир-терсак эвазига қисман бўлса-да тайёр маҳсулот берилса, ҳар бир хонадондаги қанчалаб яроқсиз металл буюмлару, хўжаликлар, ташкилотлар ҳудудида занглаб ётган минг-минг тоннали темир-терсаклар ўз-ўзидан металлургия саноати печларига бориб тушган бўларди.

Шунингдек, қоғоз макалатурасини ҳам шу тартибда йиғиш керак. Топширилган қоғоз чиқиндилари ўрнига китоб, дафтар ёки бошқа бирор маҳсулотни алмаштириб берилса, ҳеч ким бу ишдан четда қолмайди.

Бундан ташқари, республикамизда ҳар хил чиқиндиларни қайта ишлайдиган саноат турларини ривожлантиришни ҳам ўйлаб кўриш керак. Масалан, ҳар бир хонадонда қанчадан-қанча яроқсиз кийим-кечаклару пойабзаллар, шиша, чинни, резина буюмлари бор. Айниқса, ҳозир ҳаммаёқни газли сув, «Фанта», «Кока-Кола» каби ичимликлардан бўшаган 1-1,5 литрлик идишлар боғиб кетди. Шуларни йиғиб, тайёр хомашё сифатида фойдаланиш ёки улардан иккинчи даражали бирор маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эмасми? Шундай қилинса, ҳам саноат ривожланади, ҳам атроф-муҳит ҳар хил кераксиз буюмлар чиқиндисидан тозаланган бўларди.

Боймирза НОРБЕКОВ,
Чироқчи туман 14- касб-ҳунар мактаби ўқитувчиси

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«КЎРСАТМА»ГА КЎНИККАНЛАР»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 19 февраль сонида чоп этилган «Кўрсатма»га кўникканлар» сарлавҳали танқидий мақола «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси тизимидаги корхона раҳбарларининг умумий йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Мақолада шаҳар хўжалигининг долзарб мавзулари, шаҳар транспортидаги камчиликлар ва кўчалардаги якка тартибдаги савдода тартиббузарликлар тўғри танқид қилингани эътироф этилди.

«Амир Темур» шоҳбекати атрофидаги савдо шаҳобчалари ва «уй бозори»ни кўчириш, уларнинг ишини тартибга солишда ёрдам бериш ҳақида Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокимлигига хат жўнатилди.

Йўналиш ходимлари, нозимлар билан йўриқнома ўтказилиб, йўловчилар билан муомала маданиятини юксалтириш, айниқса йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишда масъул бўлган йўналиш нозимларининг номуносиб муомаласи туфайли кўп минг сонли «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасида фидокорона меҳнат қилаётган касбдошларимиз номига доғ тушириши мумкинлиги уқтирилди.

21-автобус йўналишининг иши 2519-автожамланма раҳбарияти томонидан назоратга олинди. Янги келган «Мерседес-Бенц» автобусларидан яна биттаси ушбу йўналишга чиқарилди. 21-автобус йўналишининг февраль ойидаги иш натижалари таҳлил этилганда, умуман, қатнов мунтазамлиги режадаги 90 ўрнига 96 фоизга бажарилганлигини кўрсатди. Лекин, шу билан бирга февраль ойининг баъзи кунлари йўналиш ишида айрим сабабларга кўра узилишлар бўлган.

Йўналиш нозимлари орасида тарбиявий ишлар олиб бориш, уларнинг ишини доимий назорат қилиш ер усти транспорти нозимлик хизмати раҳбари Г.Крицинга, 21-йўналиш ишини доимий назоратга олиш 2519-автожамланма раҳбари М.Расуловга юклатилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, бошқарув раиси Р.ФАЙЗУЛЛАЕВ.

ЭРТА ЭККАН — ЭРТА ХИРМОН УЯР.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

ҒАРАЗ НИЯТЛИ КИШИЛАР

Халқимизда маълум бўлган қатор ҳикматлар орасида «Дарвозани очсанг ҳовлига мусаффо, кўнгилга ором берувчи ҳаво билан нафасингни сиқувчи бадбўй ҳидлар ҳам кириши мумкин», деган бебаҳо гаплар ҳам бор. Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан юртимиз эшикларини жаҳон халқлари олдида кенг очдик. Бир-биримизни яқинроқ таний бошладик. Халқаро дўстлик ипларини боғламоққа интилиб келяпмиз. Бизга дўст бўлиб, мустақиллигимизни қутлаган тарафлар қатори, йиллар давомида пайт пойлаб, ғаразли орзу, қора ниятларда биздаги янги ҳаёт қурилишига, тинчлигимизга, барқарорлигимизга, тараққиётимизга ҳасад кўзи билан қараб, янгиликларга раҳна солмоқчи бўлаётган айрим доираларнинг фосиқ мақсадлари ҳам юзага чиқа бошлади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида маҳаллий ва хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари вакиллари учун бўлиб ўтган брифингда айтилган гаплар бунга мисол бўла олади. Брифингдан маълум бўлишича «Ҳизби Ҳаракати Жиҳод», «Даъват ул-Иршод» ва «Покистон ислом уламолари жамияти» каби ташкилотлар ёрдамида ўзбекистонлик (аксарияти Фарғона водийсидан) ёшлар Пешовар туманида жойлашган диний ўқув юртларида «ўқитилмоқда» эканлар. Барчамизни ташвишга солиб, ўйлантириб қўйган ҳамда Ватанимизнинг осойишталиги билан боғлиқ бўлган муаммоларга кўпроқ эътибор беришимизни тақозо этаётган нарсалардан бири Покистондаги мазкур яширин ўқув марказларида Марказий Осиёдан, асосан Тожикистон ва Ўзбекистондан келган тўрт юзга яқин кишиларнинг бизнинг давлатимизда турли қўпорувчилик ишларини олиб бориш учун тайёргарлик кўраётганлигидир.

Ана шундай мураккаб

Фитна ва ҳақиқат

шароитда Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси барча ўйларини, фикр-зикрини бир жойга йиғиб, ўз юртининг келажаги, тинчлиги ҳақида, халқимиз истиқболи ҳақида, ўз бурчи, оила ва Ватан олдидаги бурчлари ҳақида чуқур мулоҳаза этишлари замон талабидек кўринаяпти.

Мустақил йўлдан борувчи давлатнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлади. Айни пайтда чеккада туриб йўл кўрсатиш истагида юрганлар юқорида гапирганимиздек, ҳали кам эмас. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг самарали йўналишларини кўрсатишдан ожиз бўлган ҳолда, бу муаммоларнинг осонгина ечими сифатида динлар вужудга келган замонлардаги жамиятда мавжуд бўлган дастлабки шарт-шароитларга қайтишни таклиф этувчи диний-сиёсий оқимлар, яъни ақидапарастларча кайфиятда юрганлар қаторига «ваҳҳобийлик» ҳам киради.

Бир нарсага, фикрга кўр-кўрона, унинг чуқур моҳиятига етмасдан бутун фикри-зикри ва вужуди билан қаттиқ ишониш, уни бошқа ҳамма нарсалардан, ғоялардан тўғрироқ деб билиш ва шу сабабдан бошқаларга ҳам турли воситалар билан, ҳаттоки куч билан бўлса ҳам ўз қарашларига бўйсундириш учун бўлаётган ҳаракатлардан таассуфланмай илож йўқ. Улар ўзлари эътиқод қилаётган оқимнинг моҳиятига, қаърида беркиниб ётган олам-олам маъноларни тушуниб етмаган ёки тушунишни истамаган ҳолда иш кўришмоқда.

Жамиятимизда барқарорликни таъминлаш учун зарур бўлган масалалардан бири, шубҳасиз диний вазиятни соғломлаштириш, диний муносабатларда демократик принциплар асосида иш юритишдир. Шунга кўра, давлатимизда мавжуд бўлган дин вакилларининг диний туйғулари ҳурмат қилинади. Шу билан бирга диний эътиқод ҳар бир шахс, ҳар бир фуқаронинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олинади. Диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик катта аҳамият касб этади.

Маҳмудхўжа НУРИДДИНОВ,
Халқаро ислом тадқиқот маркази мудири, фалсафа фанлари доктори

МУАЛЛИМЛАР

Ҳаётнинг барча жабҳаларида жамиятни тубдан ислоҳ қилиш — бугун юқори малакали ва ҳар тарафлама камолга етган миллий мутахассислар тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқ вазифа. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан тузилган Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур истиқболдаги режалар, кўзланган мақсадларни амалга оширишнинг асосий мезонига айланган ҳужжат ҳисобланади.

Бажарилажак ишлар мажмуида муаллимлар касб малакасини замон талабларига жавоб берадиган даражага кўтариш масалаларига асосий ўрин ажратилган. Бу вазифа бевосита ўтган йилнинг охирида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил топган «Устоз» республика жамғармаси зиммасига юклатилган.

Ана шу янги жамғарманинг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб беришни сўраб, «Устоз» жамғармаси раёсати раиси, академик Саидаҳрор Саидаҳмедович Ғуломовга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— «Устоз» жамғармаси айнан кимларга мадад бериш ва таълим беришни фаоллаштириш билан шуғулланади?

— Жамғарма ўз олдига таълим, биринчи галда, олий таълим муассасалари профессор ва педагогларининг юқори малакали вакилларини тайёрлаш, уларнинг хориждаги ривожланган демократик мамлакатларнинг таълим борасидаги ижобий тажрибаларини ўрганишлари, таълимнинг янги технологиялари билан танишишларига ёрдамлашиш вазифасини қўйган. Шу тариқа қайта тайёргарликдан ўтган ҳар бир педагог хорижда тўплаган тажрибаларини ўнлаб ўқитувчи ва талабаларга ўргатади. Вилоятлардаги билим масканлари мутахассислари салоҳиятини пойтахт ўқув юртлари даражасига кўтариш заруратидан келиб чиқиб, вилоятлар таълим тузилмалари вакилларига чет элларда ўқиб келиш учун грантлар ажратишда имтиёзлар яратилади.

— Жамғарма дастурида таълимнинг қандай шакллари кўзда тутилган?

— Аввало биз профессор-ўқитувчилар малакасини оширишнинг уч дастурини амалга оширишга ҳаракат қиламиз. Булар — 6 ойгача муҳлатда профессор ва муаллимларни қайта тайёрлаш, 3 ойгача муҳлатда улар малакасини ошириш ва 2 ойгача муҳлатда тажриба алмашишни ташкил этиш.

Қиладиган биринчи ишимиз ўзимиздаги таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини, ўқув базасини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши керак. Миллий дастурни ҳаётга татбиқ этишда фаол қатнашиш учун бошқа барча олий ўқув юртлари учун стандартлар ишлаб чиқадиган таянч ўқув юртлари, асосий факультетлар ва кафедралар ўз фаолиятларини тубдан кўриб чиқишлари шарт.

Биз биринчи галда ўқув стандартлари, ўқув дастурлари, таълимни ташкил этишдаги номувофиқликни халқаро тажрибаларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш ҳамда уларнинг республика иқтисодиётидаги ислоҳотлар мақсадларига мос келишини таъминлаш нуқтаи назаридан келиб чиқиб бартараф этишимиз керак. Бунинг учун ўқув режалари тузилмаси, унинг блоклари, фанларнинг номланиши, машғулотлар ҳажми ва уларнинг ички мазмунини синчиклаб таҳлил қилиб чиқишга тўғри келади. Муаллимларни қайта тайёрлашда ўқув жараёнининг янги мазмуни, педагогик фаолиятнинг психологик жиҳатларига ва таълим олаётганларнинг эркин фикрлаш ҳамда мустақил тайёргарлик кўриш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Профессор ва педагогларни қайта тайёрлаш жараёнини ташкил этишда Жамғарма «2+2» схемасидан фойдаланишни ният қилган. Бунинг маъноси шуки, таълим жараёни икки қисмдан иборат бўлади — аввал мамлакатнинг ўзида тайёргарлик кўрилади ва кейин хорижга борилади. Бунда ўқитувчиларни тайёрлаш, сифатини ошириш, кенгроқ аудиторияни қамраб олиш ва хорижга жўнатиш учун янада кучлироқ номзодларни танлаш имкони кўпаяди.

— Бу схемадан амалда қандай фойдаланилади?

— Ҳозирнинг ўзидаёқ биз бу ғояни ҳаётга татбиқ этиш учун ички имкониятга эга хорижий шериклар билан музокаралар бошлаб юбордик. Шу кунгача 40 ўқитувчининг Нью-Йорк Давлат университетида тажриба алмашиш дастурини ўташи бўйича шартнома туздик. Бу университет ҳар хил соҳадаги олтмишдан ортиқ университет, бизнес-мактаб ва коллежни ўз доирасида бирлаштиради ва уларда 400 мингдан зиёд талаба таълим олади. Бундан ташқари, мазкур ўқув маркази мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилиш тажрибасига эга ва унинг вакиллари Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурда ўртага қўйилган вазифаларни бажаришда бизга ёрдам бериш, «2 + 2» схемаси бўйича дастурда қатнашиш учун Ўзбекистонга мутахассислар юборишга рози эканликларини ҳам билдирдилар.

—Шунга ўхшаш ҳамкорликлар учун қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Ҳозир биз АҚШ, Европа ва Осиёнинг турли ўқув ва илмий марказлари билан ҳамкорлик истиқболлари тўғрисида музокара ва машваратлар олиб боряпмиз. Бунда республикамизга, иложи борича, обрўли ғарбий марказларда ишлайдиган, ўқитиш ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг илғор усулларига эга юксак малакали мутахассисларни жалб этишга ҳаракат қиляпмиз.

Музокаралар чоғида телекоммуникациянинг замонавий усуллари, ахборот тизимлари ҳамда «Интернет» типидаги электрон алоқа тизимлари имкониятларидан фойдаланиш асосидаги узоқдан туриб таълим беришнинг замонавий усулларини ўрганишга эътибор қаратяпмиз.

Жамғарма дастурлари вилоятлардаги ўқув юртларини ҳам қамраб олади.

— «Устоз» жамғармасининг грантига эга бўлиш қийинми?

— Ўз касбининг устаси бўлган, ўз ишига янгича муносабатда бўлишга интиладиган, чет тилларини **ёки Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий** биладиган, доимо ўз устида ишлайдиган муаллим учун жамғарманинг ёрдам кўрсатиш жараёнида иштирок этиш табиий ҳол ва грант олишда бирон-бир ортиқча мушкулот кўрмаймиз.

Танлов икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда номзод вилоят комиссиясида унинг ўқитувчи сифатидаги рейтинги кўрсаткичлари, умумий савияси ҳамда чет тилини билиши даражасини аниқлаш бўйича саралаш тести натижаларига кўра танланади. Иккинчи босқичда номзод таркибида хорижий синовчилар ҳам бўлган марказий саралаш комиссияси суҳбатидан ўтади. Танловдан муваффақиятли ўтган номзод дастурда қатнашиш ҳуқуқини берадиган грантга эга бўлади.

— Грант олишга даъвогар номзодларга қандай талаблар қўйилади?

— Ўқитувчининг таълим тизими ва мамлакат иқтисодий тараққиёти устувор йўналишлари бўйича ихтисослашиши, ўқитувчилик фаолиятида муайян тажриба ва аниқ натижаларга эришганлиги, ўқувуслубий ишлар эълон қилганлиги номзодларни танлашнинг асосий мезонлари ҳисобланади. Номзод-

1 2 3 4

ҲУДУДИЙ МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ

Ҳар қандай давлатнинг қудрати, иқтисодий, илмий-техникавий салоҳияти, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни энг аввало унинг ички тузилмасининг мустаҳкамлиги, сиёсий вазиятнинг барқарорлиги билан белгиланади.

Ана шу боис ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни изчил ҳал қилиш бошқариш тизимида анъанавий тармоқлар йўналишидан бевосита ҳудудлар томонига ўтмоқда. Бундай шароитда ҳудудий бошқарув ташкилотларининг нуфузи тобора ошиб боради ва бу жамиятнинг демократлаштирилишининг муҳим бир кўриниши ҳисобланади. Чунки, ўта марказлашган ҳудуд талаб ва эҳтиёжларидан узоқ бўлган яқин ўтмишдаги сиёсат амалда ўзини оқламади.

Ҳудудий бошқарув тизимида авваламбор ҳудуднинг ўзини иқтисодий, ижтимоий, экологик жиҳатдан тўғри ташкил қилиш ва бошқариш зарур. Табиийки, бу ерда ишлаб чиқариш ёки жамият ҳаётини ҳудудий ташкил этиш билан ҳудуднинг ўзини ташкил қилиш мақсад, моҳият ва мазмунига кўра айнан бир нарса эмас. Агар биринчи ҳолда ҳудуд хўжалик тармоқларини жойлаштирадиган алоҳида макон шаклида намоён бўлса, иккинчисида эса унинг ўзи улкан ресурс, бойлик, муайян ва бетакрор хусусият, имкон ва эҳтиёжга эга бўлган заминдир. Бинобарин, ҳар бир жой айнан хўжаликнинг қайси тармоғини ривожлантиришга қулайлигини, тақдир ва йўналишини чуқур ва атрофлича билишни тақозо этади. Ҳудудга нотўғри муносабат, унинг имконият ва хусусиятга мос бўлмаган йўналишни мажбуран ривожлантириш (географик номувофиқлик) ўта салбий ва баъзан оқибатларини бартараф этиш ниҳоятда мушкул бўлган муаммоларни юзага келтиради. Бунга далил сифатида ер юзи, жумладан мамлакатимизнинг айрим минтақаларида вужудга келган мураккаб экологик муаммоларни эслатиш кифоя.

Халқ хўжалигини бошқаришда ҳудуд тамойилига устувор аҳамият беришнинг яна бошқа объектив сабаблари мавжуд. Булар сирасига ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини кенг кўламда жорий этиш, маҳаллий ер-сув, минерал хомашё, меҳнат ресурслари ва бошқа омиллардан самарали ва тўғри фойдаланиш кабилар киради. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ижтимоий инфраструктура тармоғини замонавий талаб даражасига кўтариш, мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантириш асосида аҳолининг ҳаёт тарзи ва шароитини тубдан яхшилаш, меҳнат ресурсларини тармоқлараро қайта тақсимлаш (энг аввало қишлоқ хўжалигида ортиқча банд бўлган аҳоли ҳисобидан қишлоқ саноати ва ижтимоий инфраструктурасида ишлайдиганларни кўпайтириш) ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этишда ҳам ҳудудий бошқарув ташкилотларининг манфаат ва масъулияти, ҳуқуқ ва эътибори, шубҳасиз, каттадир. Жойларни инфраструктура жиҳатидан ободонлаштириш — йўл, электр тармоғи, сув, ер ости ва ер устки қурилмаларини ривожлантириш, айни пайтда уларга бўлган хорижий сармоядорлар қизиқишини янада орттириши, кичик ва ўрта тадбиркорларни кенг миқёсда тадбиқ этишга қулай имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва демографик салоҳияти бўйича жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб мавқега эга. Мамлакат ҳудуди — бу энг аввало унинг бебаҳо бойлиги ва қудратидир. Бинобарин, бундай салоҳияти дан тўғри ва самарали фойдаланиш сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бош, етакчи омилидир. Бироқ, бу ҳудуд ички жиҳатдан ранг-баранг, турли хусусиятларга бойдир. Бу эса мамлакат доирасида ҳудудий меҳнат тақсимотини ривожлантиришга замин ясайди.

Собиқ иттифоқ даврида «бутуниттифоқ меҳнат тақсимоти» деб аталмиш ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ихтисослаштириш борасидаги ўта марказлашган хўжалик сиёсатида, табиийки, республикалар ичкарисига тегишли эътибор берилмасди, иқтисодий мақсадлар ҳамма вақт ва ҳамма жойда ижтимоий манфаатлардан устун турарди, иқтисод — иқтисод учун эди. Бундай социал-иқтисодий сиёсатнинг оқибатини ҳозирги кунда барча собиқ иттифоқдош республикалар — эндиликда мустақил давлатлар турлича ва ўзига хос сезмоқдалар ва уларни бартараф этиб бормоқдалар.

Яна бир масалани таъкидлаш жоизки, республикалар даражаси кўп босқичли ҳудудий меҳнат тақсимоти тизимида сўнгги, охирги ўринни ишғол қилар эди. Халқаро (мамлакатлараро), жаҳон социалистик ёки капиталистик мамлакатлари доирасида, Бутуниттифоқ ва йирик иқтисодий туманлар миқёсидаги меҳнат тақсимотидан кейинги, энг пастки қатламда республикалар ичидаги ҳудудий меҳнат тақсимоти турарди. Аслида эса бу босқичда у амалга оширилмасди ва иттифоқ меҳнат тақсимотининг бирламчи бўғини сифатида номигагина эътиборга олинарди, холос. Бу республикалар ҳудуди, аҳолиси, табиий, тарихий, миллий бойлиги қанчалик кўп ва турли-туман бўлмасин, ҳақиқий хўжалик тизими асосан, айрим соҳаларга ихтисослаштирилган, йўналтирилган эди. Жумладан, Ўзбекистонда кўпроқ хомашё ишлаб чиқаришга мўлжалланган хўжаликнинг бир томонлама тузилмаси ривожлантирилган эди.

Ҳозирги шароитда эса вазият тубдан ўзгарди, ҳудудий меҳнат тақсимоти босқичларининг оралиқ бўғинлари йўқолиб, республика-суверен мамлакат Халқаро меҳнат тақсимотидан бевосита ўрин олди. Табиийки, бундай ягона геосиёсий ҳолатда ҳар қандай мамлакат ўз-ўзини бошқариш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида ўзининг ички имкониятларини, ҳудуд бойликларини кенг ва айни пайтда узоқни кўзлаб сафарбар қилмоғи лозим. Айнан шу долзарб муаммо бизнинг республикамиз олдида ҳам кўндаланг бўлиб турибди ва у мамлакат Президенти томонидан ишлаб чиқилган назарий-амалий кўрсатмалар асосида босқичма-босқич ҳал этиб борилмоқда.

Худди шу масалаларнинг ижобий ва изчил ечимини топмоқ учун, энг аввало, мамлакатимиз раҳбарининг асарлари ва нутқларида аллақачон асослари яратилган янги минтақавий сиёсат концепциясини тузишни ва уни ҳаётга тадбиқ этишни тақозо этади. Чунки, географик ўрин, табиий шароити ва бойлиги, демографик ва экологик вазияти турлича бўлган вилоят ва туманлар ўзига хос ва мос бўлган тараққиёт дастурига эга бўлишлари ва шунинг негизида миллий иқтисодиётни мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқлари даркор. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг қудрати энг аввало уни геосиёсий жиҳатдан ташкил қиладиган маъмурий-ҳудудий бирликлари қувватлари билан аниқланади.

Хўш, ҳудудий ёки аниқроғи минтақавий сиёсатнинг моҳияти, мақсади, мезонлари нимадан иборат? Авваламбор шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу сиёсат мамлакат ичкарисига қаратилган.

Мазкур сиёсат доирасида минтақаларнинг имконият ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда хўжаликнинг муайян тармоқлари ривожлантирилади, республика ичида меҳнат тақсимоти кенг ва аниқ амалга оширилади. Жумладан, ер-сув, меҳнат ресурслари, минерал хомашё ва бошқа омиллардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳит тозалигини сақлаш имкониятлари туғилади, шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳлари, иқтисодий ва ижтимоий инфраструктура шаҳобчалари мақсадга мувофиқ ташкил этилади, социал ва экологик муаммолар кескинлашувининг олди олинади. Энг муҳими — бу сиёсат моҳият ва мазмунига кўра халққа, ижтимоий мақсад ва манфаатларга қаратилган, давлат томонидан тартибга солиб бориладиган муҳим тадбирдир. Демак, минтақавий сиёсат бу энг аввало давлатнинг ижтимоий манфаатларига йўналтирилган иқтисодий сиёсатдир. Чунки, бу турдаги кундалик ва тез-тез вужудга келиб турадиган муаммолар энг аввало жойларда — маҳалла ва қишлоқ кенгашларида, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан ўз вақтида ва ижобий ҳал этиб борилиши керак.

Минтақавий сиёсатни амалга ошириш учун унинг илмий ва амалий асосларини яратиш талаб этилади. Бу ҳам бўлса, мамлакатни иқтисодий районлаштиришдир. Ҳозирги кунда миллий ва ҳудудий иқтисод соҳасидаги устувор муаммоларни ҳал этиш, ёқилғи энергетикаси, дон ва йўл мустақиллигига эришиш борасида бажарилаётган муҳим ишлар ҳамда мамлакат ичкарисида меҳнат тақсимотини янгича шароитда ривожлантириш асосида мавжуд иқтисодий туманлар тури ва таркиби қисман такомиллашиб, аниқланиб бормоқда. Жумладан, Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилиши Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини бир-бирига яқинлаштиради ва улар негизида янги — жанубий иқтисодий туман шаклланишига олиб келади.

Вилоят ва иқтисодий туманлар (уларнинг умумий сони, бизнинг фикримизча, еттита) мамлакат минтақавий сиёсатининг асосий бўғинлари ёки субъектлари ҳисобланади. Шу билан бирга географик ўрни бир-бирига ўхшаш айрим иқтисодий туманларни алоҳида ҳудудий иқтисод мавқеида бирлаштириш ҳам фойдадан ҳоли бўлмаса керак. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасида тўртта Бош иқтисодий минтақа: Марказий (Тошкент ва Мирзачўл иқтисодий туманлари), Шарқий (Фарғона), Жанубий-ғарбий (Зарафшон ва Жанубий иқтисодий туманлар) ҳамда Шимолий-Ғарбий (Қуйи Амударё) иқтисодий туманларини ажратиш мумкин. Албатта, бундай ҳудудларда бажарилиши зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий, демографик муаммолар кўлами янада кенгроқ ва уларнинг давлат аҳамияти янада каттароқ бўлади.

Айни чоғда таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда мамлакатимизда ҳудудий ҳокимлик ва бошқарув органларининг аҳамияти янада ошиб бормоқда. Биргина 1997 йилнинг ўзида вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлиги органларининг фаолиятини такомиллаштириш, марказий бошқарув идоралари вазифаларининг катта қисмини уларга бериш, ҳудудий муаммоларни ҳал этишда маҳаллий органлар масъулиятини ва имкониятини ошириш соҳасида ҳукумат учта қарор қабул қилди. Бу эса мамлакат бошқарув тизимида маҳаллий ҳокимлик органларининг ўрни тобора ошиб боришидан далолат беради.

Ислоҳот ва масъулият

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалар ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича мутасадди ва масъулиятли мутахассисларни тайёрлашни талаб этади. Афсуски, ҳозирча мамлакатимизда бундай кадрлар деярли тайёрланмайди: алоҳида халқ хўжалиги соҳалари — саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва ҳоказолар бўйича иқтисодчилар бору, аммо бу соҳалар ўзаро уйғунлашиб бир жойда ривожланаётган ҳудудлар бўйича мутахассис кадрлар йўқ.

Тўғри, республика олий таълим тизимида «минтақашунослик» йўналиши бўйича ҳам мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган. Бироқ, бу амалда «мамлакатшунослик» даражасида олиб борилмоқда ва мазкур йўналиш бўйича Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Шарқшунослик институтларида кадрлар тайёрланмоқда. Ҳақиқий регионлар — минтақа ва ҳудудлар бўйича иқтисодчилар тайёрлаш эса ҳанузгача йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, бундай мутахассислар халқ хўжалигини бошқариш тизимидаги барча ташкилот ва вазирликлар учун зарурдир. Чунончи, улар Ўзбекистон макроиқтисодиёт ва статистика, меҳнат, молия вазирликлари, туман, шаҳар, вилоят ҳокимликлари, қолаверса, илмий-тадқиқот, лойиҳа институтлари, олий ўқув юртларига ҳам ниҳоятда керак. Хуллас, ҳудудни атрофлича кўра оладиган, унинг бетакрор имконият ва кундалик эҳтиёжларини чуқур ҳис қиладиган мутахассисларни — ҳудудий иқтисодчиларни тайёрлаш замон талабига айланиб бормоқда.

Абдусами СОЛИЕВ,
география фанлари доктори, профессор

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафар қилмоқда. У Исроил раҳбарлари билан музокаралар олиб борди. Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арафот билан учрашуви арафасида БМТ раҳбари ушбу ҳудуддаги тинчлик жараёнини чуқурлаштиришга бутун куч-ғайратини сарфлашини айтди. Кофи Аннан Миср, Иордания, Ливан ва Сурияда ҳам бўлиб, ушбу давлатларнинг раҳбарлари билан музокаралар олиб борди.

* * *

Африка мамлакатлари бўйлаб сафар қилаётган АҚШ Президенти Билл Клинтон Ганага қилган ташрифини якунлади. Энди у Угандага йўл олди. Оқ уй раҳбари ўз сафари давомида Руанда, ЖАР, Ботсвана ва Сенегалга ҳам боради. Клинтоннинг сафаридан асосий мақсад — қитъадаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда Америка —Африка савдо сотиғини ривожлантириш.

* * *

БМТ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилотининг конференцияси Сурия пойтахти Дамашқда очилди. Унда жаҳоннинг 40 мамлакати вакиллари ва қатор халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этишмоқда.

МАШҚЛАР БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ

Шу йилнинг 25 мартидан 7 апрелигача НАТО Босния ва Герцеговинада ҳарбий машқлар ўтказади. Унда 1800 қуруқликдаги, ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво кучлари аскарлари иштирок этади. Қўшинлар таркибида Италия, Нидерландия, Туркия, АҚШ, Польша ва Руминия вакиллари бор.

ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Покистоннинг шимолий-ғарбидаги чегара вилоятининг Хангу шаҳрида маҳаллий суннийлар ва шиалар ўртасида тўқнашувлар давом эмоқда. Отишмалар натижасида 17 киши ҳалок бўлди. Икки томон ҳам ясама қуроллар ва миномётлардан фойдаланганлиги маълум бўлди.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

Россия Президенти Борис Ельцин ўтган душанба куни мамлакат ҳукуматини истеъфога чиқариш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди. Россия ҳукумати раиси вазифасини эса вақтинча ўзи бажарадиган бўлди. Борис Ельцин ўз Фармони билан Сергей Кириенконинг Россия ҳукумати Раисининг биринчи ўринбосари қилиб тайинлади.

***

АҚШ Президенти Билл Клинтон июнь ойи охирида Хитойга ташриф буюради.

***

Германия Канцлери Гельмут Коль билан Франция Президенти Жак Ширак кеча Борис Ельцин билан музокаралар олиб бориш учун Москвага келди.

***

Украина Президенти Леонид Кучма икки кунлик расмий ташриф билан Болгарияга келди.

ПРЕЗИДЕНТ ОБЪЕКТЛАРИ ТЕКШИРИЛМОҚДА

Бағдоддаги Президент объектларини текшириш учун жўнаб кетган БМТ махсус комиссияси аъзолари қатори 18 дипломат ҳам сафарга жўнади. Махсус комиссия раҳбари Ричард Батлер Ироқ раҳбарлари билан музокарада ана шунга эришди. Ушбу дипломатлар гуруҳига БМТ хавфсизлик кенгаши аъзолари бўлмиш Россия, Франция, Хитой, Буюк Британия ва АҚШ вакиллари кирди. 12 квадрат миль жойни эгаллаган 1058 бинодан иборат саккизта объектни текшириш шу ойнинг ўзида бошлаб юборилади.

КЎПРИКЛАР ДУНЁНИ ТУТАШТИРАДИ.

КЛИНТОННИНГ БАЁНОТИ

Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон Россия ҳукуматининг истеъфога чиқиши Америка -- Россия муносабатларига ҳеч қандай таъсир ўтказмайди, деди. АҚШ Президенти Америка ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари йўлида ҳеч қандай тўсиқ бўлмайди, деб таъкидлади. Россия ҳукумати раиси Виктор Черномирдиннинг истеъфога чиқиши икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликка зарар етказмайди.

МАКИЁН ХЎРОЗГА АЙЛАНДИ

Англиянинг жанубида Кромер шаҳрининг яқинида жойлашган Смитлар фермасида антиқа воқеа содир бўлди. Бир куни азонда Смит хоним қаттиқ қичқирган хўроз овозидан уйғониб кетди. У қўшниларнинг хўрози жуда қичқироқ бўлиб қолди-да, деб ўйлади. Хонимнинг фақат Генриэтта лақабли макиёни бўлиб, хўрози йўқ эди. Буни қарангки, қичқирган қўшнининг хўрози эмас, балки унинг севимли Генриэттиси эди.

Смит хоним шунчалик эътиборсиз эдики, ўн йил боқув давомида Генриэттининг тухум қилиши тобора камайиб боргани ва тожиси катталашаётганини сезмаган экан.

Маҳаллий ветеринар Клар Натте хоним ҳам бу ҳодисани тушунтириб бера олмади. У фақат Смит хонимга «бундан кейин Генриэттини Генри деб аташ тўғрироқ бўлармиди», деди.

Ҳайвонларнинг, айтайлик, макиён қандай қилиб хўрозга айланиб қолгани ҳозирча шов-шув бўлиб турибди. Қизиқ, макиён қичқирмаса тонг отмасмикин? Товуқ нега қичқиради?

Нигора АЗИМОВА

ҚАМОҚХОНАДАГИ МЕҲМОНХОНА

Германиянинг Петерсхаген шаҳарчасида ғаройиб меҳмонхона фаолият кўрсатмоқда. Унинг ғаройиблиги шундаки, ерлик тадбиркорлар шаҳарчадаги қамоқхонанинг кенглиги 16 квадрат метр келадиган учта бўш камерасини сотиб олиб, меҳмонхона ўрнида фойдаланишмоқда. Яна бир ажабланарли томони борки, у ҳам бўлса қамоқхона меҳмонхона сифатида қайта жиҳозланмаган — аввал қандай бўлса ҳозир ҳам шундоқлигича, яъни темир панжара, темир эшик, қаттиқ ўриндиқ ва ҳоказо. Бироқ бу ерда тунаб кетувчиларнинг кети узилмаяпти, қайтанга навбатда турувчилар кўпайиб бормоқда. Сабаби: биринчидан, ушбу «меҳмонхона» бошқа меҳмонхоналарга қарагандa анча арзон — бир кечакундузга 20 марка тўланади, холос. Иккинчидан, бу ерга келиб, бир кунми ё уч кунми яшаганлар, ҳақиқий маҳбуслардек яшашади, яъни темир «чашка»да овқат ейишади ва қамоқхона коржомасида юришади. Коржома эса текинга берилади.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

ЎЛИМГА МАҲКУМЛАР КЎПАЙМОҚДА

Мутахассисларнинг зикр этишларича, кейинги 40 йилда АҚШда суд томонидан ўлимга маҳкум этилганлар сони рекорд кўрсаткичга етиб қолибди. Биргина 1996 йилда 45 жиноятчига ўлим жазоси берилган бўлса, ўтган йили бу рақам 70 дан ортиб кетди.

Агар бу рақамни штатлар бўйича бўлиб ҳисоблайдиган бўлсак, Техас биринчи ўринга чиқиб олганини кўрамиз, яъни ўтган йили 36 жиноятчига ўлим жазоси қўлланган. Бу кўрсаткич, Виржинияда — 7 тани (иккинчи ўрин), Миссурида — 6 тани (учинчи ўрин) ташкил этади.

Маҳкумларнинг 65 нафарига заҳарли инъекция қўлланилган бўлса, қолгани «электрли стул» усули билан жазоланган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ўлимга маҳкумлар сони янада кўпроқни ташкил этиши мумкин эди, бироқ Америка «қози»лари жуда секин ишламоқда. 1997 йилда ўлим жазоси қўлланган қайсики маҳбуснинг вақти-соати етган бўлса, яъни жазо ижро этилган бўлса, ўшаларнинг барчаси қамоқхонада ўн йиллаб ўз ўлимини кутиб ётган. Ҳозир ўлимга маҳкумлар АҚШ қамоқхоналарида 3 мингдан ортиқни ташкил этади.

Миллат ва маънавият

ТАЪЛИМИ

дастур қандай амалга оширилябти?

лар миллий кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш асосий йўналишлари ҳақида аниқ тасаввурга ва пухта иш режасига эга, олган билимларни келажакда ишга солишдан манфаатдор бўлиши, ўзининг бу жараёндаги ўрни ва мавқеини аниқ билиши зарур.

Асосий эътибор ёш ва истеъдодли, замонга мос ва тадрижий фикрловчи, янгиликларни ҳаётга татбиқ этишга интилувчи, таълимнинг ва кадрлар тайёрлашнинг янги шакллари муаллифи, ишлаб чиқувчиси ва фаол новатори бўлган педагогларга, «Йилнинг энг яхши тарбиячиси ва педагоги» унвони кўрик-танлови ғолибларига қаратилади.

Хорижга жўнатиш ҳам кўзда тутилган, қайта тайёрлаш дастурларида иштирок этишдаги биринчи даражали мезон — номзоднинг чет тилини эркин муомала қила оладиган даражада билиши.

Мутахассислар чақиришда танлаш мезонлари тўғрисида алоҳида тўхташни истар эдим. Аввало, биз кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш устувор йўналишларига мос соҳада катта ўқитувчилик стажига эга йирик мутахассисларни жалб этишимиз керак. Хорижлик мутахассис юксак ўқув-услубий маҳоратга эга бўлиши ва иш жараёнида бугунги таълимнинг барча техникавий воситаларидан фойдалана олиши лозим. Бундан ташқари, хорижий мутахассиснинг ўқув жараёнини ташкил этиш ва турли мамлакатлар таълим тизимлари масалаларидан яхши хабардорлигини ҳам ҳисобга оламиз.

— Жамғарма гранти бўйича хорижда малака оширишда нималар кўзда тутилган?

— У биринчи галда ўз йўналиши бўйича таълим стандартларини ўрганиш, янги ўқув режалари ва дастурлари мутахассисларининг малакали таърифномлари (характеристикалари), асосий дарслик ва ўқув қўлланмалари билан танишиш, улардан мамлакатимизда фойдаланиш ва уларни ўзбек тилига таржима қилиш имкониятларини ўрганишни кўзда тутади.

Стажёрларимиз зиммасига ўқув маркази ва унинг кафедралари билан бундан кейинги валютасиз тажриба алмашиш учун узоқ муддатли алоқаларни йўлга қўйиш вазифаси ҳам юклатилади. Стажёрнинг ҳамма иши мутахассисларни хорижда тайёрлаш тизимининг коллеждан бошлаб то мутахассислар малакасини оширишнинг мунтазам жараёнини таъминловчи босқичларигача қамраб олиши лозим. Хорижда бўлган чоғларида мутахассисларимиз илмий тадқиқотлар олиб бориш усулларини ўрганишлари, ўз сафарлари натижаларини хорижий журналларда эълон қилишни ташкил этишлари, шунингдек, мутахассисликлари бўйича маърузалар курсини ўқишлари керак.

— Бу борада ҳозирча қандай ишлар қилинди?

— Биз республика олий ўқув юртларининг хориж билан алоқалар бўйича тўплаган тажрибаларидан фойдаланяпмиз. Талай олий ўқув юртларимиз ўзларининг анъанавий шерикларига эга ёки бу йўналишда фаол иш олиб борябти. Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент Давлат университети, Тошкент Давлат техника университети ва бошқа илм даргоҳларининг хорижий ўқув марказлари билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган.

— Кўриниб турибдики, муаллимларимизни қайта тайёрлаш, улар малакасини ошириш ва уларни стажировкага жўнатиш масалаларига комплекс ёндашиш қўшимча қадамлар ташлаш, жумладан, педагог таркибнинг бир қисмига чет тилларини ўргатиш, таълим тизимида ислоҳотларни амалга ошириш учун уларни керакли ахборот билан таъминлаш ишларини амалга ошириш керак. Жамғарманинг бу борадаги режалари нималардан иборат?

— Чиндан ҳам, хорижий марказларда таълим олиш учун бир неча жаҳон, аввало, инглиз тилини пухта билиш шарт. Шунинг учун биз муаллимларимизга тил ўргатишда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетидаги тил марказидан фойдаланамиз. Биз жамғарма грантини олишга номзодларнинг вилоятларимиздаги тил марказларида чет тилларини ўрганишлари учун маблағ ажратишга тайёрмиз. Зарурат туғилгудек бўлса, Англиянинг машҳур тил ўргатиш марказига ўхшаш ёрдамчи тузилма ташкил этамиз. Бундан ташқари, ҳар қандай хорижий тилни мукаммал билиш ўқитувчи учун келажакда чет эллик ҳамкасблари билан тажриба алмашиши, ихтисосига доир адабиётлар билан танишишига кўмак беради.

Жамғарманинг педагогларга нашр борасида, хорижда босилган янги адабиётларни сотиб олиш ва тарқатиш соҳасида ёрдам бериш, замонавий илмий-услубий ишланмаларни таржима қилиш ва чоп этишни маблағ билан таъминлаш режалари ҳам бор. Биринчи босқичда ўқитишнинг янги усуллари тўғрисидаги пресс-релизлар чиқариш мўлжалланган. Олган ахборотларимизни «Интернет» тизими орқали барча олий ўқув юртлари ва манфаатдор муассасаларга узатиш имконига эгамиз.

Ҳозирги пайтда таълимда янги хорижий усуллар ва технологиялар билан ишлайдиган таҳлилий гуруҳ тузишга киришяпмиз.

Республикада таълим технологияси бўйича янги ишланмалар энг сўнгги ютуқларининг етакчи хорижий компаниялар томонидан уюштирилган кўргазмаларини ташкил этиш зарур деб биламиз. Жамғарма шу каби масалаларда республика ва хорижнинг мутасадди томонлари ўртасида машваратлар бошлади.

— Бу мақсадларнинг бари учун, албатта, катта маблағ керак. «Устоз» жамғармасининг молиявий манбалари ҳақида сўзласангиз.

— Ҳар йили 500 етакчи профессор ва ўқитувчини қайта тайёрлашни режалаштираётган эканмиз, албатта, маблағ керак. Ҳукумат жамғарма фаолиятини ташкил этиш учун 25 миллион сўм ажратди. Бундан ташқари, жамғармага унинг муассислари — ўттиздан ортиқ ўқув юрти, йирик ташкилот ва корхона, қўшма корхона ҳар йили маблағ ўтказиб туради.

Ҳозирданоқ олий ўқув юртлари бюджетдан ташқари шартнома воситалари умумий ҳажмининг 10 фоизи миқдорида пул кўчиряпти. Бу воситалар грантларимиз марказий манбаларини шакллантиради. Бундан ташқари, олий ўқув юртлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар воситаларида мақсадли танлов дастурлари ташкил этиш учун қўшимча маблағлар жалб қилиш ҳам кўзда тутилган.

— Суҳбатимиз сўнггида нималар деган бўлар эдингиз?

— Ишонаманки, устозлар ва шогирдлар билим даражасининг кўтарилиши охир-оқибатда тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш, фан ва маданиятнинг ҳар қандай соҳасида сифат ўзгариши юз беришига олиб боради. Биз муаллимларимиз билими ва малакасини ошириш, улар савиясини замон талаблари даражасига кўтариш учун барча имкониятларимизни ишга солишга тайёрмиз.

Суҳбатдош: Наталья ПЕТРАЧКОВА

Далил ва таҳлил

ИЗЛАНГАННИНГ ИМКОНИЯТИ КЕНГ

ҲУРМАТЛИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИШБИЛАРМОНЛАРИ, ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Б.Қ.Интранс» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ва жамият қошидаги ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ «VCD —INTRANS» қўшма корхонаси турли маркали енгил автомобилларни ёки Асакада ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Дамас» ва «Тико»ларни ҳар томонлама қулай бўлган махсус юк транспортларида ташиш хизматини кўрсатади. Биздаги мавжуд ҳар бир махсус юк ташиш машинаси 8 та «Нексия» ёки 10 та «Тико»ни ташиш имкониятига эга. Енгил автомобилларни ташишга ихтисослашган транспортларимиз усти ёпиқлиги боис исталган манзилга юкингизни бешикаст етказишни таъминлайди.

МАНЗИЛ: Бектемир тумани, Жўрабек Остонов кўчаси, 25 уй. «Б. Қ. Интранс» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ва «VCD – INTRANS» қўшма корхонаси.
Тел: 90-36-03, 31-30-71, 31-36-41, 90-41-65. Факс 90-37-37.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги «Б.Қ.Интранс» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида бўлганимизда жамоа аъзоларининг ютуқлар кўлами кенглигига гувоҳ бўлдик. Жамият раиси, республика Олий Мажлиси депутати Ботир Маҳкамович Қосимов шундай дейди:

— «Б.Қ.Интранс» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти қошидаги қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди. Бу Ўзбекистон — Туркия «VCD — INTRANS» қўшма корхонаси асосан тўртта йўналиш бўйича фаолият олиб боряпти. Биринчидан, юк ташиш, сўнг сайёҳлик хизмати, халқаро туризмни ривожлантириш шулар жумласидандир. Ўтган йилнинг июль ойида ташкил бўлган «VCD — INTRANS» ўзбек — турк қўшма корхонаси мамлакатимизда автомобиль заводи қурилгач, даврнинг талаби асосида ташкил бўлди.

Шу ўринда бош иқтисодчи Муҳайё Абдуллаеванинг йил якунларига доир хулосасини келтиришни лозим топдик. Унга кўра, юк ташиш режаси 101,2 фоизга бажарилган. Соф даромад 33 млн.188 минг сўмдир. Шундан 1 миллион 10 минг сўм жамоанинг 338 нафар акциядорига дивидент сифатида берилган. Ҳиссадорлар ўтган йили ўртача 26 минг сўмдан дивидент олишга эришган. Бу катта ютуқ.

Ҳозирда «VCD — INTRANS» қўшма корхонаси истиқболи порлоқ, деб қараляпти. Негаки, «ЎзДЭУавто»да ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларни исталган манзилга етказишга қодир бўлган мазкур қўшма корхонада ҳозирда 14 та юк ташувчи махсус транспорт бор. Шу йилнинг охирида уларнинг сони 30 тага етади. Бу борада туркиялик ҳамкорлар билан ўзаро тенг манфаатдорлик асосида иш юритиш юзасидан имзоланган аҳдлашувлар амалий натижасини бераётир.

Қўшма корхона бош директори Акмал Низомхўжаев билан ҳам суҳбатлашдик.

— ***Эшитишимизча, Марказий Осиёда ягона енгил автомобилларни ташишга ихтисослашган қўшма корхона экан...***

— Шундай. Шу боис ҳам қўшма корхонамиз истиқболи бор, деб қаралмоқда. Биргина ўтган қисқа вақтда Асакада ишлаб чиқарилаётган 1300 дан ортиқ енгил автомобилни Россия ва мамлакатимизнинг турли вилоятларига етказиб берганлигимиз фикримизнинг далилидир.

— **Ҳар бир юк ташувчи машина қанча енгил автомобилни ташишга мослашган?**

— Биздаги 20-30 тоннагача юкни ташишга мўлжалланган «Мерседес-бенц» ва «Супер-МАЗ»ларда 10та «Тико» ёки 8та «Нексия»ни ташиш имконияти бор. Муҳими, автомобилларни ташиш хизмати буюртмачи талаб-истагига мос, аъло даражада бажарилади. Муҳими, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси автомобилларини ташиётган қўшма корхона келгусида Россия ва бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларни ҳам ташиш қувватига эга.

Мижозлар талабини юксак даражада бажаришда албатта, «Б.Қ.Интранс» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Б.Қосимов ва туркиялик ҳамкор Али Риза Акин жанобларининг ҳиссаси беқиёс. Шунингдек, ўринбосарим Ҳасан Арслон Ибрагим ўғли билан тиним билмай ишлаётганимиз туфайли ютуқларимиз кўлами ортаётир. Ҳамдўстликдаги давлатлар билан шартномалар имзоланаётир.

Қўшма корхонанинг Равшан Хасанов, Йўлдош Сойипов, Фахриддин Саҳабоев, Ражаб Жабборов каби ҳайдовчилари нафақат енгил автомобилларни бешикаст манзилга етказиш, балки ўзлари бошқараётган юк машиналарининг ёнилғисини тежашга ҳам эришаётир. Шу туфайли уларнинг обрўси жамоада баланд.

Биз мазкур жамоадан қайтар эканмиз, янги имкониятлар сари интилаётган, янгича иш юритишнинг орқасидан қувиб ишлаётган қўшма корхона аъзоларига омадлар тиладик.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

СУРАТДА: қўшма корхона бош директори Акмал Низомхўжаев (ўнгда) хорижий ҳамкорлар билан.

ДИККАТ, ЯНГИЛИК!

ОМОНАТ ДАФТАРЧАСИ
СБЕРЕГАТЕЛЬНАЯ КНИЖКА

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки
1998 йил
«ОИЛА ЙИЛИ»
деб эълон қилиниши муносабати билан жорий йилнинг 1 мартидан
«ОИЛА»
пул-буюм ютуқли
ЯНГИ ОМОНАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Бу омонат тури бўйича Сиз «NEXIA», «TIKO», «DAMAS» енгил автомобиллари, «DAEWOO» рангли телевизори ва видеомагнитофонлари, «СИНО» музлатгичи, 2х3 ҳажмдаги гиламлар ҳамда қандил ва шунга ўхшаш бир қатор замонавий уй анжомлари ва пул ютуқларини ютиш билан бирга, қўшимча равишда фоиз даромадларини ҳам оласиз.

«ОИЛА» пул-буюм ютуқли омонати бўйича ҳисоб варақаларини Халқ банкининг исталган туман бўлимида очишингиз мумкин.

«ОИЛА» пул-буюм ютуқли омонати Сиз орзиқиб кутган омонат туридир!

Сиз ютган ютуқ ва олган даромадингиз оилангиз кўрки бўлишида Халқ банки омад тилайди!

Маълумотлар учун телефонлар: 78-53-63, 78-29-45, 173-86-80.

ЧЕМПИОННИНГ ШАШТИ ПАСТ

Футбол

Сирасини айтганда, мавсум бошида бирон бир жамоа ёҳуд футболчи ҳақида жўяли фикр билдириш осонмас. Боиси, футболчилар ўйиндан ўйинга «тиниқ» тортиб борадилар. Мана, олий лига жамоалари ўртасида икки тур ўйинларига мувофиқ, 16 та учрашув бўлиб ўтди. Кўпчилик қатори бу ўйинларнинг аксариятини кузатдик. Таъбир жоиз бўлса, чемпионатни олис масофага югурувчиларга қиёс қилишади. Шунинг учунми, ҳали биронта учрашувдан кўнгиллар таскин топиб, умидворлик кайфиятини ҳис этганимизча йўқ. Тўп оширишлар, қарши ҳужум, дарвозани нишонга олиш ва ўзаро ҳамкорликда пала-партишлик, хатоликлар кўзга ташланиб турибди. Икки учрашувда футболчининг ўз дарвозасига тўп йўллаб, жамоасига мағлубият «инъом» этиши ҳам шундан нишона.

Зеро, ҳозирданоқ аниқ мақсад йўлида ҳаракат қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Бу борада бир неча бор мамлакат чемпиони ва кубоги соҳиби бўлган «Нефтчи» ва «Навбаҳор» футболчиларининг саъй-ҳаракатларини эътироф этиш керак. Шунингдек, пешқадамликка астойдил интилиб, мағлубиятсиз икки учрашув ўтказган «Трактор», «Насаф», «Зарафшон», «Дўстлик» жамоаларининг ўйинларидан ҳам мухлислар кўнгли илигандек бўлди. Аммо, ҳар сафаргидек, пахтакорчиларнинг ўйинлар жадвалини ўрта поғонасини эгаллаб туриши ишқибозларни ранжитмаяпти. Қизиғи шундаки, чемпион бўлгач, бундай шарафли номга муносиб ҳаракат қилиш осон кечмас экан. МҲСК футболчиларининг ҳозирги мавқеи шундан далолат. Чемпионларнинг сафарда дуранг ўйнаб, ўз майдонларида имкониятни бой беришларини қандай тушуниш керак?

Дастлабки ўйинларга қараганда, навбатдаги учрашувлар нисбатан тўпларга бой ва муросасиз курашлар остида ўтди-ёв. Хусусан, пахтакорчиларнинг ютқазиб туриб, кейин уйғонгандек, ҳисобни ўз фойдаларига — 4:2 га етказишлари чакки бўлмади. «Андижон» —«Бухоро», «Нефтчи», — «Сўғдиёна», «Насаф» — «Металлург» ўйинлари 2:0 ҳисобида тугади. МҲСК — «Зарафшон» — 0:2, «Трактор» — «Сурхон» — 2:1, «Навбаҳор» — «Косонсой» — 3:0. «Дўстлик» — «Хоразм» учрашувида ҳисоб очилмади.

Мамлакатимиздаги энг йирик, аъло сифатли қаттиқ ёқилғи ишлаб чиқарувчи

«КЎМИР» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Ангрендаги каолин — кўмир конидан кўмирни қазиб олиш жараёнида дастлабки каолинни қайта ишлаб майдаланган каолин ва кварц қумларини

ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ.

Иккиламчи майдаланган, бойитилмаган

КАОЛИН

«Кўмир» акционерлик жамияти амалда чекланмаган миқдордаги каолин хом ашёси заҳираларига эга бўлиб, улар республикадаги ягона Ангрен каолин-кўмир конларидан қидириб топилган. Йил давомида «Ангрен» конидан кўмир қазиб олиш вақтида 5 миллион тонна каолин ажратиб олинади. Бугунги кунга келиб бу маҳсулот кўп мақсадларда ишлатишга мўлжалланган минерал хом ашё ҳисобланади. Ангрен каолинлари ҳозирда ўнга яқин соҳаларда ишлатишда муҳим хом ашё ҳисобланади. Айниқса, минерал таркибининг физик-кимёвий хусусиятлари бойитилмаган ҳолда ҳам ишлаб чиқариб ишлатишга имкон беради.

КВАРЦ ҚУМЛАРИ

0,04-2,5 мм ҳажмдаги дона-дона бўлган бу хом ашё бино ва иншоотларнинг турли устки элементи сифатида ташқи ва ички томонларини таъмирлашда ишлатиш мумкин. У шунингдек, қурилиш керамикаси, цемент ва асфальтбетон тайёрлаш учун ҳам яроқлидир.

«Кўмир» акционерлик жамияти майдаланган каолин ва кварц қумларини Ўзбекистон Республикасидаги барча корхоналарига ҳамда хориж мамлакатларига келишилган шартнома асосида

СОТАДИ.

Мижозлар иккиламчи каолин ва кварц қумларини турли тармоқлар ишлаб чиқаришида ишлатишнинг мақсадлари хусусида тўлиқ маълумотларни олишни хоҳласалар, қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 700011, Марказ-14, 27-уй.
Телефонлар: (3712) 144-55-79, 144-57-05, факс: (3712) 41-85-56, 144-20-80.
«Кўмир» акционерлик жамияти юртимиздаги ҳамма қизиқувчи корхона, фирма раҳбарларини ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

Очиқ турдаги «Дўстликдонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти акциядорлари ДИККАТИГА!

Жамиятнинг 1997 йилдаги фаолияти якунлари бўйича Акциядорлар йиллик умумий мажлиси 1998 йил 27 март соат 14-00 да Жиззах вилояти, Дўстлик шаҳри «Дўстликдон» ҳиссадорлик жамияти мажлислар залида бўлади.

КУН ТАРТИБИ

1. Акционерлик жамиятининг 1997 йил молиявий фаолияти бўйича ҳисоботи.
2. Акционерлик жамияти Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. 1997 йил муҳосиблик балансини тасдиқлаш.
4. Бошқа масалалар.

«Дўстликдон» ҳиссадорлик жамияти кузатув кенгаши.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги «Мусо-Раҳим» ишлаб чиқариш - тижорат фирмасининг бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ҚЎШМА КОРХОНА
А-3, А-4 ҳажмдаги қоғозни **СОТАДИ**
Этикеткалар тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади.
Тел: 144-11-60, 144-25-26.

М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти ректорати, касаба уюшмаси «Актёрлик маҳорати ва режиссураси» кафедраси катта ўқитувчиси Ҳамида Маҳмудовага волидаи муҳтарамалари **ШАРОФАТ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-20-36, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳайдар НОСИРОВ, навбатчи Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 36.136 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 01046

Босишга топшириш вакти — 21.00. Топширилди — 22.40.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА